

**БАДИЙИ АСАР ТИЛИ** — бадийи адабиёт тили. Бадийи асар мазмунини рўёбга чикарувчи, муаллифнинг гоъвий-бадийи максadini китобхонга етказувчи бирдан-бир восита. У бадийи тил, поэтик тил хам деб юритилади. Бадийи асар тили адабий тил билан чамбарчас боғланган, умумхалк тилига асосланган, жонли ва адабий тил бойликларини ўзида акс эттирган, хаммага тушунарли ифодаларни камраб олган, мумтоз адабиёт тили анъаналарини давом эттирган, ёзувчилар томонидан сайкалланган, жилланган тил хисобланади. Шу маънода бадийи адабиёт тили фақат ёзувчи ва китобхон орасида алоқа воситаси бўлиб колмасдан, маънавий-эстетик, эмоционал таъсир килиш курули вазифасини хам ўтайди. Ёзувчи бадийи тил воситасида образ ва типлар, характер ва манзаралар яратар экан, уларнинг мохиятини очишга хизмат киладиган сўз ва иборалар танлайди, сўзларнинг асл ва кўчма маъноларини кўллайди, умумхалк тилининг гап курилиши усулларидан, турли тасвирий ва услубий воситаларидан фойдаланади. Тасвирийлик, эмоционаллик, образлилик, типиклаштирилганлик, халкчиллик, лаконизмга хос сикиклик ва афоризмга хос мазмундорлик бадийи асар тилининг асосий хусусиятларидир.

— V — / V — — — / — V — / V — — —

Дўс-т-лар, / га-ни-мат-дур, / сай-р э-тинг / гу-лис-тон-лар.

— V — / V — — — / — V — / V — — —

Фуркат газалидан олинган ушбу байтнинг садр, ибтидоъ ва иккинчи хашвлари «фоилун», яъни «мафойилун»нинг «аштар» тармогидан иборатлиги туфайли унинг вазни хазажи мусаммани аштари солим деб аталади.